

## ЗЕБУННИСО БЕГИМ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7769554>



ELSEVIER



Foundation of Advanced Research Scholars

Received: 22-03-2023

Accepted: 22-03-2023

Published: 22-03-2023

### Курбонова Муқаддас Омоновна

филология фанлари бўйича фалсафа доктори, ФарДУ доценти,  
Ўзбекистон.



**Abstract:** Мазкур мақола Ҳиндистонда ҳукм сурган теурийлардан машҳур Бобир Мирзонинг чевараси Абу Зафар Муҳиддин Аврангзеб Оламгирнинг кизи Зебунисо Бегим, унинг бошқаларга ўхшамаган ҳаёт йўли, ўзига хос ёрқин ижоди ва ижтимоий фаолияти, унинг бой меросини ўрганиш, асосан, форсий тилда ёзилган газалларининг мазмун-моҳиятига бағишланган.

**Keywords:** Аёл, малика, жамият, сўз санъати, Бобир, Аврангзеб, подшоҳ, хомий, олим, романтик, шеърӣй қобилият, гўзаллик, илм, санъат, идеал, тасаввуф фалсафаси, сарф, наҳв, шарқона, форс, араб, газал, адолат, нафрат...

**About:** FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.

### Курбанова Муқаддас Омоновна

доктор философии по филологическим наукам, доцент ФерГУ, Ўзбекистон.



Foundation of Advanced Research Scholars

Received: 22-03-2023

Accepted: 22-03-2023

Published: 22-03-2023

**Abstract:** Данная статья посвящена дочери Абу Зафара Муҳиддина Аурангзеба Аламгира, правнучке известного тимуридского правителя Индии Зебунисе Бегим, ее уникальному жизненному пути, ее уникальной творческой и общественной деятельности.

**Keywords:** Женица, царица, общество, искусство речи, Бабир, Аурангзеб, царь, покровитель, ученый, романтик, поэтические способности, красота, наука, искусство, идеал, философия суфизма, потребление, нахв, восточный, персидский, арабский, газель, справедливость, ненависть...

**About:** FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.

### Kurbanova Mukaddas Omonovna

Doctor of Philosophy in Philology, Associate Professor of FerSU, Uzbekistan.



Foundation of Advanced Research Scholars

Received: 22-03-2023

Accepted: 22-03-2023

Published: 22-03-2023

**Abstract:** This article is dedicated to the daughter of Abu Zafar Muhyiddin Aurangzeb Alamgir, the great-granddaughter of the famous Timurid ruler of India, Zebunise Begim, her unique life path, her unique creative and social activities, the study of her rich heritage, and the content of her ghazals written mainly in Persian.

**Keywords:** Woman, queen, society, art of speech, Babir, Aurangzeb, king, patron, scientist, romantic, poetic abilities, beauty, science, art, ideal, philosophy of Sufism, consumption, nahw, oriental, Persian, Arabic, ghazal, justice, hatred...

**About:** FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.

*Менинг умр йўлдошим ҳам китоб, бахтим ҳам китоб, ҳатто жаннатим ҳам  
китобдир.  
Зебуннисо*

Кишилик жамияти шаклланиб, илму-урфонга қадам кўйганидан бери, ижтимоий фаолиятнинг ҳамма соҳаларида улуғ аёлларнинг номлари зикр этилиб келинади. Аёллардан чиққан буюк давлат арбоблари, оташин ватанпарварлар, машҳур олимлар билан бир қаторда, жуда қадим замонлардан бери сўз санъатининг ифтихори саналган санъаткор шоирлар ҳам бор. Қадим Юнон шоираси Сапфо, француз уйғониш даври шоираси Маргарита Наварская, машҳур Шарқ шоираси Зебуннисо, ўзбек шоирлари: Увайсий, Маҳзуна ва Нодира шулар жумласидандир.

Зебуннисо Ҳиндистонда ҳукм сурган темурийлардан машҳур Бобир Мирзонинг чевараси Абу Зафар Муҳиддин Аврангзеб Оламгирнинг қизидир. Унинг онаси Дилрасбону Бобирнинг Гулбадан деган қизига бориб туташади. Аврангзеб улуғ бобоси Бобир томонидан Ҳиндистонда барпо этилган бобирийлар давлатининг подшоҳларидан эди.

Зебуннисо Бегим 1639 йилда Ҳиндистоннинг Дехли шаҳрида дунёга келди. Отаси Аврангзеб қизида шеър ва шоирликка майл сезгач, ўша даврнинг машҳур олими Мулло Муҳаммад Ашраф Исфаҳонийни унга муаллим қилиб тайинлайди. Зебуннисо Бегим бу улуғ олимнинг тарбиясида забардаст шоира, олима, созанда-муסיқачи ва иқтидорли ҳаттот бўлиб вояга етади. Сўнгра Зебуннисо Бегим илоҳиётга оид бир асар ёзиб, уни шу устозига бағишлайди. Тарихчиларнинг ривоятига қараганда, Зебуннисо Бегим шеърый асарларидан ташқари тасаввуф фалсафасига оид яна бир асар ёзган.

Зебуннисо Бегим Ҳиндистон олимлари, шоирлари ва санъат аҳлларига кўп ғамхўрлик ва ҳомийлик қилиб, ўз замонида илм ва санъатнинг ривожланишига зўр таъсир қилган. Ўша замоннинг кўп олимлари шахсан Зебуннисо Бегимдан маош олар эдилар. Шунинг учун ҳам тарихчилар Зебуннисо Бегимга юксак баҳо бериб: “Зебуннисо Бегим отаси ҳукмрдорлик билан қозона олмаган шуҳратни илм ва одоб билан қозонган”, - деб таъкидлайдилар. [1. 594.]

Зебуннисо Бегимнинг ҳаёт йўли романтик бир лавҳани эслатади. У насл жиҳатидан жуда юқори, яъни Бобир авлоди –шоҳ қизи, бунинг устига зўр шеърый қобилиятга эга бўлган лирик шоира ва шеърый ҳуснга молик гўзаллар маликаси... Зебуннисо шу ҳусн, шу латофат, шу малоҳат ва фазилатлари билан узок умри давомида ўзига муносиб умр йўлдоши тополмади. [2. 594.]

Гўзал маликага, ўз асрининг улуғ шоираси ва олимасига умр йўлдоши бўлишни кўп кишилар орзу қилганлар. Бироқ, Зебуннисо Бегим уларнинг ҳеч бирини ўзига маъқул кўрмаган. Шубҳасиз, Зебуннисога оғиз очганларнинг аксари шахзодалар, шоирлар ва бойваччалардан иборат эди.

Масалан, ўша даврнинг кучли шоирларидан бири Зебунисони севиб қолади. Унинг фиरोкида куйиб, кўп ошиқона шеърлар ёзади. Шоир, ниҳоят бир кун бир байт ёзиб Зебуннисога юборадики, бу байт, ўртада совчилик вазифасини ўтамоғи лозим эди. Бу шўх шоиранинг табиатини англаш учун шу “совчи байт” билан Зебуннисонинг унга берган санъаткорона жавобини кўриб ўтайлик.

Ошиқ шоир:

Туро, эй гулбадан, бепарда дидан орзу дорам,  
Латофатҳои хуснатро расидан орзу дорам.

(Э, гулбадан қиз, сени пардасиз- очик кўриш орзусидаман, хусн ва латофатингга етишиш орзусидаман.)

Зебуннисонинг жавоби:

Булбул аз гул бугзарад гар дар чаман бинад маро,  
Будпарастии кай кунад гар барҳаман бинад маро?  
Дар суҳан пинҳон шудам монанди бӯ дар барги гул,  
Майли дидан ҳарки дорад дар суҳан бинад маро.

(“Булбул чаманда мени кўрганда, гулнинг баҳридан кечарди, будпарастлар мени кўрганда, бутга сажда қилмасди, гулнинг хиди ўз япроқларига яширингандай, мен сўзга яширинганман, кимнинг мени кўрмоққа майли бўлса, мени сўзда-шеърда кўрсин”, -дейди.)

Шеърят, мусиқа, ижод – Зебуннисога ҳар қандай ёр васлидан тотлироқ бўлиб кўринган. Гўзаллик, санъат, илм – унинг идеали бўлган. У ўзининг бутун ҳаётини нафис санъатга, илмга бағишлайди. Зебуннисонинг энг севган машғулоти: шеър ўқиш, шеър ёзиш, мусиқа тинглаш ва китоб мутолаа қилишдан иборат бўлган. Зебуннисо, ўз гўзаллигини бикр -маъно, санъаткорона шеърдек тушунган. Шоиранинг:

“Майли дидан ҳарки дорад дар суҳан бинад маро” , -деган алангали, қайноқ мисралари ҳам юқоридаги фикримизни тасдиқловчи бир далилдир. Бир форс шоирининг:

“Доно, ба карашмаи суҳан машғул аст,  
Ошиқ, ба ҳалоки хештан машғул аст”.

(Доно сўзнинг карашмаси билан машғул, ошиқ эса ўзини ҳалок этиш билан машғул) деган ҳикматли мисралари, гўё Зебуннисога қарата айтилгандай туюлади.

Зебуннисо ҳаёт олдиға ғоят катта талаб кўяр, йўқни йўндиришға тиришарди. Бир рубоийсида бу юксак талабларларнинг қуйидагича порлоқ ва санъаткорона ифодасини беради:

“Ман аз даҳани мор шакар металабам,  
Аз хонаи анкабут пар металабам,

Аз синаи наррашер шир металабам,  
Аз марди барахнапой зар металабам”.

(“Мен илоннинг оғзидан шакар, ургимчак уясидан пар, эркак шердан  
сут, гадолардан зар талаб қиламан”, -дейди.)

Зебунисо ўзининг бўлғуси умр йўлдошининг мана шу зайдда йўқни бор  
қилувчи, ноёб иқтидор эгаси-ижодкор одам бўлишини орзу қилиб яшади. У  
бутун умр бўйи мана шундай бир идеал ёрни кутиб, унга зор бўлиб, 1702  
йилда бу ёруғ оламни тарк этди. Зебуннисо Бегимнинг қабри Дехлида бўлиб,  
қабр тошига шоиранинг ғоят камтарлик билан айтилган қуйидаги байти  
ёзилган:

“Ба ғайри сабза напўшад касе мазори маро,  
Ки қабрпўши ғарибон ҳамин гиёҳ бас аст”.

(“Менинг қабримни сабадан ўзга ҳеч ким ёпмасин, ғариблар қабрини  
ёпмок учун шу гиёҳнинг ўзи басдир”, -дейди.)

Зебунисо форс ва араб тилларининг сарф, нахвини жуда яхши ўрганган  
бўлиб, ўз замонасининг анъаналарига кўра, шеърларини форс ва араб  
тилида ёзган. Унинг ғазал ва рубоийлари жўшқин севги лирикаси  
ҳисобланади. Мисраларида абадий ҳажр ва фироқнинг шиддатли  
тўлқинлари, жафокор ёрнинг ситамларидан фарёд садолари ўрин олади.  
“Машоҳир нисвон” (“Машхур аёллар”) номли китобда айтилишича, Зебунисо  
Оқилхон Розий деган йигитга пинҳона муҳаббат қўйиб юрар экан.  
Таассуфки, бу йигит ёшлигида ўлдирилган. Шунинг учун бўлса керак  
Зебунисо афсус ва надматлар билан қуйидаги ҳасратли мисраларни ёзади:

“Ҳайф он умреки сарфи лола рухсоре нашуд,  
Бишканад дастеки хам бар гардани ёре нашуд.  
Сад баҳор охир шуду ҳар гал ба фарқе жо гирифт,  
Ғунчаи доғи дили мо зеби дасторе нашуд.  
Ҳар матоеро харидорест дар бозорхо,  
Пир шуд Зебуннисо, ўро харидоре нашуд...”

(“Лола юзли бир гўзал учун сарф бўлмаган умр ҳайф кетди. Ёрнинг  
бўйнига солинмаган кўл синсин. Юзлаб баҳор тугаб, ҳар гул ўз жойини  
топади. Аммо бизнинг бу дилимиз ғунаси ҳеч бир ёрнинг чеккасига зийнат  
бўлмади. Бозорларда ҳар бир матога харидор бор, аммо Зебунисо қариди-ю,  
унга харидор бўлмади”, -дейди.)

Зебунисо ўзи мансуб бўлган синфий жамият билан чиқиша олмайди,  
халққа, айниқса хотин-қизларга қилинаётган жабр-зулм ва ҳақоратлар унинг  
олижаноб қалбига гўёки ханжар бўлиб санчилади. Шунинг учун ҳам у:

Духтари шоҳам валекин рў ба фақр овардам,  
Зебу зийнат бас ҳаминам: номи ман Зебуннисоаст.

“Шоҳнинг қизиман, лекин юзимни фақирларга ўгирганман, менинг отим Зебуннисодир, шунинг ўзи менинг зебу-зийнатимдир”, - дейди.

Ўзи шоҳ қизи бўла туриб шоҳларнинг зулм ва адлатсизлигидан нафратланиб, фақирларга ёрдам қўлини чўзган, бутун ҳаётини шеърят, санъат ва илмга бағишлаган, бобурийлар сулоласидан бўлган, Зебуннисо Бегим бугунги кунда ҳам бизлар учун қимматли ва севимли бўлиб қолаверади. Унинг бой меросини ўрганиш, асосан, форсий тилда ёзилган, ҳалигача тўлиқ ўрганилмаган ғазалларининг тўлақонли мазмун-моҳиятини очиқ бериш ва ўз китобхонига етказиш биз филологлар олдида турган муҳим вазифалардан эканлигини таъкидлаган ҳолда фикримизни яқунлаймиз.

### АДАБИЁТЛАР:

1. ЎзФА Шарқшунослик институти шарқ қўл ёзмалари фондидаги китоб “Мунтахабут-таворих”. Инв.рақами - 594.
2. ЎзФА Шарқшунослик институти шарқ қўл ёзмалари фондидаги китоб “Мунтахабут-таворих”. Инв.рақами - 594.
3. Хосият Тиллахонова “Ашъори нисвон”.
4. Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси, 2-том.
5. Зебуннисо “Шеърҳо”
6. Тўхтасин Жалолов “Ўзбек шоирлари”. Тошкент-1980.